




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1996 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 71 (8.961)

1997 йил

23 июнь, душанба

Сотувда эркин нархда

**«Ўзуйжойжамгармабанк»ка
аззо бўлиш ихлосмандлари сони
тобора кўпаймоқда. Улар тахри-
риятимизга мактуб йўллашиб бан-
кка қиммат аzzo бўла олиши,
кредит бериш масалалари, квар-
тира олиш муддати ва тартиб-
лари ҳақида тушунириш бериши-
мизни илтимос қилмоқдалар. Биз
кўпчилик оқшомхонлар истагини
инобатга олиб «Ўзуйжойжамгар-
мабанк» қошидаги амалиёт бош-
қармаси бошлиги Қудратилла Ис-
моилов билан суҳбатда бўлдик.**

— Маълумки, одамларнинг уй-жой
шароитларини янада яхшилаш, фу-
қароларнинг уй-жойини мулк қилиб
сотиб олишга бўлган ҳуқуқлари рўй-
га чиқарилишини таъминлаш, аҳоли-
нинг бўш пул маблағларини жалб

лаганда ўша хонадоннинг умумий
майdonи белгиланган меъёрларга тў-
ри келмаса, бундай оилалар ҳам ма-
ҳалла ёки туман ҳокимлиги тавсияси
билан бизга аzzo бўла оладилар.

— Масалан, фуқаро банкка аzzo
бўлганидан кейин тахминан қанча
муддат ўтиб квартира олиши мум-
кин?

— Биринчи йили банкка 3598 фу-
қародан ариза тушган эди. Бу йилги
аризалар сони эса 1,5 мингтадан (фа-
кат Тошкент шаҳри бўйича) ошиб кет-
ди. Утган йили банк буюртмалари
бўйича 21,3 минг квадрат метр уй-
жой қуриб битказилди. Бу 216 оила
уй билан таъминланди, демакдир. Шу
йилнинг охиригача яна 2 минг оила
уй-жойли бўлади. Бу турар жойлар-
нинг умумий майdonи 200 минг квад-
рат метрни ташкил этади.

— Бу уй-жойлар асосан пойтахт-
тимизнинг қайси томонларида қад
қўтармоқда?

— Эски шаҳар қисмида. Масалан
Фаробий, Абдурахмонов кўчаларида,
Себзор, Тахтаул, Катта ҳовуз даҳа-
ларида. Масалан Фаробий кўчасида
шунақа уйлاردан тўрттаси, Катта ҳо-
вуз ҳудудида эса бир йўла 20 га яқ-
ини қад қўтарди.


— Банк томонидан қурилатган
уйларнинг фарқи борми?

— Бор. Унда истиқомат қилувчилар
учун барча қулайликлар ҳисобга оли-
нган. Кўпгина бу уйлар гишдан қурил-
моқда. Хоналари эса паркетли.
«Ўзуйжойжамгармабанк» ўз мижозлари-
нинг манфаатларини кўлаб, қуриб бит-
казилган биноларни фойдаланишга топ-
ширишда яна бир янгиликни жорий эт-
ди. Янги уйларнинг қалитлари эгалари-
га қурувчилар ҳузурда, яъни бино ўз
эгаларига тақдим этиладиган маросим-
да бериладиган бўлди. Бундан қўзлан-
ган мақсад эса тушунарли. Хонадон эга-
лари квартираларида бирор камчилик
ва етishмовчиликни аниқлаган тақдир-
ларида шу ернинг ўзида уларнинг эъти-
розлари ижро этилганда маълум қилина-
ди. Табиийки, бу камчиликни дарҳол
бартараф этиш чоралари қўрилади.

— Оқшомхонларга янада тушу-
нарли бўлиши учун банкка аzzo
бўлиш учун қанча жамғарма тў-
лаш кераклигини ва омонатчилар-
га банк томонидан бериладиган
кредит микдори ҳақида қисқа
маълумот бериб ўтсангиз.

— Банк аzzоси бўлган оиланинг
йўлдан жамғармаси унга тегишли тах-
мин қилинган уй-жой қийматининг 20
фоизи микдорида бадал тўлангандан
кейин, унга кредит берилди ва у уй-
жойга эга бўлиш ҳуқуқини олади. Уй-
жой ҳақиқий қийматининг 50 фоизи
давлат томонидан қопланади. Даст-
лабки бадалдан қолган маблағни омон-
натчи ўн йил давомида давлатга тў-
лайди. Уй-жой қиймати бир йўла тў-
ланса, фуқаролар қўшимча имтиёз-
ларга эга бўладилар. Умуман бу усул
аҳолининг қисқа муддатда уй-жойли
бўлишини кафолатлайди.

Суҳбатдош
Икром ШЕРМАТОВ.



«Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасида кўплаб мураббий ишчилар меҳнат қилишади. Улардан бири корхонанинг 17-цехи оператори Бахтиёр Қосимовдир. Ўз касбининг устаси бўлган бу ишчининг шогирдлари бугунги кунда ўзи билан ёнма-ён ишлашмоқда.

СУРАТДА: Бахтиёр Қосимов.

Рустам Шарипов олган сурат.

**Иқтидорли ўқувчи ёшлар билан яқиндан шу-
ғулланишда қатор ўқув дастурларига амал қи-
лишмоқда. Бу борада «Тиллар ва технология во-
ситасида мактаблар алоқаси» деб ном берилган
Америка дастури ҳам муҳим ўрин тутмоқда.**

АҚШнинг Коннектикут штатидаги таълим департаменти саъй-ҳаракати билан юзага келган ушбу нуфузли дастур асосида кўпгина мактаб ўқувчилари Америкага бориб ўқиш имкониятига эга бўлди. Департамент вакиллари республикада бўлган ларида дастлаб Тошкентдаги 306 ва 309-ўрта мактабларнинг толиби иллари билан қизқидилар. Инглиз тилини пухта эгаллаб, ўз билим-салоҳиятларини намойиш этаётган бир неча иқтидорли ўғил-қиз танлаб олинди. Уларнинг Америкадаги саёбоқлари ҳар томонлама фойдали бўлди.

Мазкур нуфузли дастур беш йилга мўлжаллаб тузилган. Шунга кўра ушбу таълимий ҳужжат бўйича яна талайгина истеъодли ўқувчи ёшлар аниқла-
ниб, Америкага ўқишга тақдир этилиши кўзда тутилди. Яқинда таълим департаменти вакиллари Тошкентга таширф буюрдилар. Улар Ўзбекистон халқ таълими вазирлигида, қатор олий ўқув юр-
ларида бўлиб, иқтидорли болаларни танлаш масаласи билан шуғулландилар.

ТАЪЛИМ АМЕРИКАДА ЎҚИШАДИ

— Бизнинг бу галги сафаримиздан қўзланган мақсад департаментимиз билан ҳамкорлик қилаётган ўқув муассасалари сафини кенгайтиришдир, — деди департаментнинг чет тилларни ўқитиш бўйича бош маслаҳатчиси Мэри Энн Хансен. — Тўғри, Тошкентдаги 306 ва 309-мактаблар билан чегараланиб қол-
ишимиз мумкин эди, Аммо ўзаро ҳамкорлик доирасини кенгайтириш, умуман Ўзбекистон халқ таълими тизими билан алоқаларни кенг йўлга қўйиш мақсадида яна ик-
таи ўқув муассасасини танладик.

Тошкентдаги 249-ўрта

мактаб педагогик жамоа-сининг самарали фаолияти эътиборимизни ўзига тортди. Бу ерда хорижий тиллардан болаларга са-
боқ бериш, улардаги иқтидор қирраларини ри-
вожлантириш борасида кўп иш қилинмоқда. Ўқув-
чилар билан қилган суҳ-
батларимиздан биз бунга яна бир бор тўла ишонч ҳосил қилдик.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини ҳузурдаги республика гимназияси ўқув фаолияти тўғрисида ҳам шундай ижобий фикрни айтиш мумкин. Эндиликда бу ик-
кала билим муассасаси ҳам бизнинг дастуримизга қўшилди. Жиддий си-
новлардан муваффақият-
ли ўтган толиби иллари-
ни биз шу йилнинг кузида Америкада кутиб оламиз.

Чиндан ҳам Америка Ўзбекистон маориф хо-
дидлари ҳамкорлиги яна-
да мустаҳкамланиб, кен-
гайиб бормоқда. Бир йў-
ла тўртта билим ўчоғини-
нг «Тиллар ва технология во-
ситасида мактаблар алоқаси» дастури доира-
сида фаолият кўрсатиши
бу хайрли ишга пухта асос
солганини кўрсатиб турибди.

Саодат ОДИЛОВА.

БУГУНГИ КҮН НАФАСИ

МАМПАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти И-
лом Каримов мамлакатимизга Америка ҳуку-
мати юрган инсонпарварлик ёрдамини топ-
шириш учун таширф буюрган АҚШ Президен-
ти маслаҳатчиси Ричард Морнингстарни қа-
бул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Аме-
рика муносабатларининг истиқболлари, ижти-
моий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш бил-
ан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алма-
шилди.

● АҚШ Президенти маслаҳатчиси Ричард
Морнингстар бошчилигидаги делегация аъзо-
лари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-
си Раиси Эркин Халилов билан учрашди. Де-
легация аъзолари Вазирлар Маҳкамасида бўл-
ди.

● Янгивер шаҳрида «Ўзбекистон — Герма-
ния» қўшма корхонаси маҳсулот бера бошла-
ди. Бу ерда эркакларнинг спорт кийимлари
ва бошқа трюкотаж маҳсулотлари ишлаб чи-
қарилмоқда.

● Урганчада биринчи троллейбус линияси-
нинг электр ўтказгичларини монтаж қилиш иш-
лари бошланди. У қарийб тўрт километрни
масофада — аэропортдан то темир йўлгача
бўлган оралиқда аҳоли узоғини яқин қилади.

● Наманган туманининг деҳқонлари вилоят-
да биринчи бўлиб галла топшириш режасини
бажардилар. Улар хирмонга 13.280 тонна гал-
ла етказиб бердилар.

● Пойтахт вилоятининг Тошкент туманида-
ги «Дархон-2» маҳалласида икки қаватли «Сул-
тон ота» савдо-маиший хизмат кўрсатиш маж-
муаси ишга туширилди.

● Хўжабоднинг сўлим жойида бунёд этил-
ган 120 ўринли янги дам олиш ва шифо мас-
кани ўзининг дастлабки мижозларини қабул
қилди.

● Кеча пойтахтдаги Мустақиллик майдони-
да Халқаро олимпия кўмитасининг 103 йилли-
ги ва Жаҳон югурувчилар кўнига «бағишлаб
республика енгил атлетикачиларининг мусо-
бакалари бўлиб ўтди. 7 ёшдан 84 ёшгача қат-
нашчи иштирок этган бу оммавий спорт бел-
лашуви голибларига ҳоимлар томонидан аж-
ратилган совғалар топширилди.

ҲАМДУСТПИКДА

● Россия Президенти Борис Ельцин Ден-
верга жўнаб кетиш олдидан июль ойида Мад-
ридда бўладиган НАТО учрашувида иштирок
этимасликка қарор қилганлигини билдирди.

● Кеча Москвада ўтган Хотира ва мотам
кўнида ҳайкалтарош З. Церетелининг «Халқ-
лар фожиаси» ёдгорлиги очилди.

● Кеча Симферополда НАТОга қарши кўп
минг кишилик митинг бўлиб ўтди.

● Минскда «Беларус халқ фронти» партия-
сининг бешинчи қўрултойи бўлиб ўтди.

● Севастополда ҳарбий-денгиз институти
зобитларининг навбатдаги битирув маросими
бўлди. Ёш зобитлар асосан Украинага қараш-
ли бўлган Қора денгиз флотини кемаларида хиз-
мат қиладилар.

● Бугун Ереванда Кавказоти мамлакатла-
рининг интеграцияси истиқболларига бағиш-
ланган халқаро анжуман очилди.

● Догистонда газ ҳақини ўз вақтида тўла-
маган корхоналарга ёқилги етказиб бериш тўх-
татилди.

ХОРИЖДА

● Сорбонна университетлар мажмуи ҳуду-
дида жойлашган ҳамда илм соҳалари бўйича
ўн уч университетни бириктирувчи Париж
Академиясида Президент Ислам Каримовнинг
«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик-
ка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарақ-
қиёт кафолатлари» китобининг тақдирот мар-
росими бўлиб ўтди. Маросимда олимлар, ўқи-
тувчилар, талабалар, дипломатлар, тадбиркор-
лар, журналистлар ва Франция жамоатчилиги
қатнашди.

● Парижда Ўзбекистон Республикаси Таш-
қи иқтисодий фаолият миллий банки ва Фран-
циядаги етакчи банклардан бири «Сосете Же-
нераль» ўртасида Тошкентда ҳамкорликдаги
банк ташкил этиш бўйича битим имзоланди.

● Американинг Денвер шаҳрида «Катта ет-
тилик» ва Россия раҳбарларининг навбатдаги
учрашуви низоҳасига етди. Унда кенгайтирил-
ган баёнот қабул қилинди.

● Бугун Хельсинкида транспорт бўйича учин-
чи Умумевропа анжумани очилди.

● Бугун НАТО Бош котиби Х. Солана Бос-
ния ва Герцеговинага таширф буюрди.

● Фаластин раҳбарияти агар Исроил Шар-
қий Қуддусда ва Иордан дарёсининг Фарбий
қирғоғида яхудиелар учун уй-жойлар қуриши
давом эттирмаса, Исроил билан тинчлик му-
зокаралари ўтказишнинг сира иложи йўқ, деб
ҳисоблайди.

● Ҳиндистон билан Покистон тинчлик му-
зокаралари дастури бўйича битимга эришди-
лар. Бундай музокараларни шу йилнинг кузи-
да бошлаш режалаштирилди.

● Бугун Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблея-
сининг атроф-муҳитни муҳофазалаш ва ривож-
лантириш бўйича махсус сессияси очилди.

● Эртага Антверпенда истеъмолчилар ҳу-
қуқларини муҳофазалаш жамиятларининг ан-
жумани очилди.

● Исроил томонидан назорат қилиб турилган
Жанубий Ливаннинг чегара ҳудудида номаълум
кишилар томонидан қўйилган бомба портлаши
натijasида икки киши ҳалок бўлди.

● Камбоджадан Пол Пот тўғрисида бир-би-
рига қарама-қарши бўлган маълумотлар кел-
моқда. Мамлакат иккинчи Бош вазир Хун Сен-
нинг айтишича «қизил кхмерлар»нинг етакчи-
си ўлдирилган. Бироқ бош штаб вакили бўл-
ган генералнинг айтишича Пол Пот тирик ва у
«қизил кхмерлар» лагерида турибди.

● Европа Иттифоқи ҳудудида қоидабузар
ҳайдовчиларни жавобгарликка тортишининг ян-
ги тартиби жорий этиладиган бўлди. Бундан
кейин Европа Иттифоқига аzzo ўн беш мам-
лакат ҳайдовчилари ҳам, қай бир давлатда йўл
ҳаракати қондаси бузилганидан қатъий назар,
жарима тўлайдилар.



АНЖУМАНЛАР

ИЗЛАНИШЛАР — ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА

Тошкент Дав-
лат университети
қошидаги Олий
педагогика инсти-
тутида олий ва
урта махсус ўқув
юртлари профес-
сор-ўқитувчилари-
нинг илмий анжумани бўлиб ўтди.

Анжуман «Бозор
иқтисодиёти ша-
роитида мутахассис
кадрлар тайёрлаш-
да янги педагогик
технологияларнинг
ўрни» мавзуси дои-
расида ўтказилди.

Анжуманда Олий
педагогика институ-
ти олимларининг
ўқув услубий ва ян-
ги изланишлари,
янги педагогик тех-
нологияларнинг ил-
мий асослари, «Ўз-
бекистон тарихи»ни
ўқитиш ва урганиш-
нинг ягона концеп-
цияси, унинг пред-
мети ва методоло-
гик асослари, тил
муҳандислиги —
давлат аҳамиятига
моллик тараккий йў-
налиш, Ўзбекистон-
да таълим ислоҳи-
ти бақалав ва ма-
гистр кадрлар
тайёрлашнинг му-
ҳим босқичи ҳақи-
даги маърузалар
тингланди.

Насиба
НАЗАРОВА.

«ИҚТИСОД АЛИФБОСИ»

Янги ўқув йилидан
бошлаб умумтаълим
мактабларининг 1-си-
нф ўқувчилари иқтисод
саёбоқларини ургана
бошлайдилар.

Яқинда «Шарқ» нашриёт-
матбаа концернида лотин
алифбосида таълим олаётган
фарзандларимиз учун «Иқ-
тисод алифбоси» дарсликлар

лотин алифбоси» дарсликлар
лотин тилида chop этилди. Да-
роликнинг муаллифлари —
З.Валиева ва Ю. Муҳибов.

ЎЗБЕКИСТОН — ГУРУХ ПЕШҚАДАМИ

Бу йил узок вақт ёдда қо-
ладиган, футболимиз тари-
ҳига зарҳал харфлар билан
ёзиб қўйилган уйинлар
салмоғи кўпайди. «Пакта-
кор» Марказий уйингоҳида
5-саралаш гуруҳидаги Ўзе-
бекистон ва Индонезия мил-
лий терма жамоалари ўр-
тасидаги учрашуви ҳам
шундай уйинлар қаторига
киритилди.

Франциядаги жаҳон че-
мпонатида бериладиган йўл-
ланма учун кураш олиб бо-
раётган ушбу 2 жамоа гу-
руҳининг энг кучли коман-
далари бўлганлиги учун ҳам
мазкур уйин ишқибозларда

жуда катта қизиқиш туғдир-
ди. Уйин бошланишидан ан-
чагина олдин стадион ишқи-
бозлар билан лик тўлди. Зе-
ро, ушбу уйинни ютган жа-
моа гуруҳда биринчи ўринга
чиқиб оларди. Турнир жа-
далига назар ташласак, 5 та
уйинда 1 та галаба ва 4 ду-
ранг билан 7 очко тўплаган
индонезияликлар иккинчи,
худди шунча очкони атғи 3
уйинда кулга қиритиб, аjoyи-
ли тўплар нисбати: 8:1 га эга
Ўзбекистонликлар эса учин-
чи ўринда эди.

Уйин бошланишидан ол-
дин Ф. Ёқубов, М. Асалхўжа-
ва, «Ялла» дастаси, Мирза
Холмедов каби етакчи
санъаткорларимизнинг чи-
қишлари ҳам футболчилари-
мизни галабага руҳлантирди.
Миллий терма жамоамиз
айюлари яшил майдонга
қўйилган таркибда тушишди:
Бугало, Давлатов, Федоров,
Камбаралиев (Винников), Ха-
санов (сардор), Ширшов, Р.
Бозоров (Маъруфалиев),
Лебедев, Мақсудов, Шари-
пов, Шахки (Ирисметов).

Юкори суръат билан бош-
ланган беллашува футбол-
чиларимиз кетма-кет ҳужум-
лар уюштира бошлашди. Бир-
ок, индонезияликларнинг тахрир-
бали ҳимоячилари са-
фини ёриб ўтиш осон эмас-
ди. Ана шундай дамба тер-
ма жамоага узок танлафус-
дан сунг жалб этилган иқти-
дорли чарм тўп усталари О.
Шахки ва Ш. Мақсудовлар
узларини кўрсатишди. Даст-
лаб рақиблар жарима
майдончасидаги «тупо-
лон»дан фойдаланган Шах-
ки тўпни дарвозага аниқ
йўллаб ҳисобни очди. Ишқи-
бозларимиз қувончининг че-
ки йўқ эди. Шухрат Мақсу-
довни эса яна аввалгидек
тўпга қўлиш қийин эди.
Унинг шиддатли ва тезкор
уйини рақиб ҳимоячиларини

саросимага солиб қўйди. Би-
ринчи бўлим охирида у
ажойиб зарба билан ҳисоб-
ни оширди — 2:0. Футбол-
чиларимизнинг ҳужумкор
уйинлари иккинчи бўлимда
ҳам давом этди. Ҳатто хавф-
ли бир вазиятда Ж. Ирисме-
тов тўпни буш дарвозага йўл-
лай олмади. Ш. Мақсудов
учинчи голни қиритган эса
ушбу уйинда чарм тўп уста-
ларимизнинг йирик ҳисобида
галаба қозонишига барча
ишқибозлар муваффақият
ишонч ҳосил қилдилар. Шун-
дай қилиб 3:0 ҳисоби уйин
охиригача узгармади.

Энди футболчиларимиз

навбатдаги саралаш уйини-
ни 29 июнда Камбоджада
ўтказадилар. 13 июлда эса
сунгги уйинда Яман терма
жамоаси билан беллашадилар.
Агарда Ўзбекистон ўз
саралаш гуруҳида голиб
чиқса (бунга ҳеч қандай
шубҳа йўқ) бошқа 9 Сосиё
гуруҳлари голиблари ишти-
рокида август-сентябрь
ойида ўтказиладиган 2-сар-
алаш босқичида иштирок
этадилар.

Дилшод ИСРОИЛОВ.
СУРАТЛАРДА: Ўзбеки-
стон — Индонезия учрашуви-
дан лавҳалар.

Рашид Галиев олган
суратлар.



Туман ҳокими Раҳматилла МУХАММАДХУЖАЕВ ҳикоя қилади:

— Туманимизда 250 мингга яқин аҳоли яшайди. Юздан ортиқ миллат вакиллари-дан ташкил топган ҳамжамиятлар аҳил-иноқ, кўни-қўшнилардек умр кечиришмоқда.

Ахиллик, ҳамжамиятлик фақат тинч-тотув яшашгина эмас, улкан бунёдкорлик ишларини муваффақиятли амалга ошириш омили бўлмоқда, дейишга тўла асосимиз. Буни биргина ўтган йил натижалари ҳам яққол кўрсатиб турибди. Мана бир неча мисол. Саноат маҳсулоти ҳажми олдинги йилларга нисбатан сезиларли даражада ошди. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш бир неча баробарга кўпайди. Мулкни давлат таъсиридан чиқариш ва хусусийлаштириш тадбирлари кундалик ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олди.

Ҳозир туманимизда 2256 та тадбиркорлик тузилмаси мавжуд. Иқтисодиётни таркибий ўзгариш жўлатидан кенг қўлдан ишлар изчил амалга оширилмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятимиз кенгайиб бормоқда. Қурилишлар кўлами эса мисли кўрилмаган даражага етди.

Кўпгина ишдан бўш вақтларимда туманимиз ҳудудини пайда кезаман, кўрган-кечирганларимни бир-бир таққослайман, ҳулоса чиқараман. «Фарғона йўли», «Оҳангарон» шоҳ кўчаларидан ўтганимда кўнглим яйрайди. Бу кўчалар бундан бир неча йил олдингисидан бутунлай фарқ қилади. Чиндан ҳам бугунги «Фарғона йўли»ни кечагиси билан таққослаб бўлармикин? Ёки бўлмаса «Ғалабининг 40 йиллиги», «Паркент» бозори даҳаларини олинг. Уларнинг кечаги кўни қандай эдию бугун қанақа кифоа касб этди? Бир-биридан мухташам кўп қаватли биноларни кўриб кўз қамашади.

Ўйлаб кўрсак, мана шу янгиланишлар ортда қанчадан-қанча инсонлар меҳнати, тинимсиз изланишлар ётганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Пешона тери билан яратилган бу бунёдкорликларнинг барчаси инсонлар учун, уларнинг бахт-саодати, келажagini ўйлаб қилинаётган хайрли ишлар. Бизда инсон манфаати, унга чинакам ғам-хўрлик ҳамма нарсадан устун туришини мана шундан ҳам билса бўлади.

1997 йил Инсон манфаатлари йили деб бежиз аталмади. Мана шу асосда шахримизнинг барча туманлари қатори биз ҳам ўз дастуриимизни ишлаб чиққанмиз. Бугунги кунда уни амалга ошириш юзасидан изчиллик билан иш юритяпмиз.


Иқтисодиёт шу кўннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Уни барқарорлаштириш кўп жиҳатдан саноат корхоналарининг унумли меҳнатига боғлиқ. Мана шу нўқтан назардан келиб чиқиб, дастуриимизнинг иқтисодиёт билан боғлиқ қисmini, бир қувончли воқеани ҳикоя қилишдан бошламоқчиман.

Шу йилнинг 3 июни «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссасдорлик жамияти соҳнамасида янги саҳифа очди, десам хато қилмайман. Шу кўни жамият аъзоларига «Ил-114» йўловчилар ташви самолётини кўплаб ишлаб чиқаришга ҳамда «Ил-76 ТД» юк самолётларини сифатли таъмирлаш учун сертификатлар топширилди. Ушбу тантанали бағишланган митингда Россия Федерацияси савдо-саноат доиралари вакиллари, шу жумладан, С. Илюшин номидаги авиа-конструкторлик бюросининг бош конструктори Г. Новожилов, Давлатлараро авиация кўмитаси раиси Т. Анодина, Ўзбекистондаги бир қанча вазирлик ва идораларнинг, жамоатчилик ва корхона меҳнат жамоасининг вакиллари иштирок этдилар. Туманимизда самолёт-созлик бўйича жаҳоннинг энг йирик мамлакатлари — АКШ, Франция, Россия, Украинадек буюк давлатлар билан рақобатлаша оладиган шундай катта корхона жойлашганидан ҳақли равишда фахрланамиз. Айниқса, республикамиз мустақилликка эришгач, бу корхонанинг чет мамлакатлар билан алоқаси янада кучайди. Шу боис кейинги йилларда Ҳиндистон, Ироқ, Миср, Хитой, Болгария, Куба, Жазоирга кўплаб самолётлар сотилди. Ўйлаيمانки, маҳсулот сифатли бўлиб самолётларимизнинг техникавий кўрсаткичлари жаҳон андозалари талабига жавоб бераётганлиги туфайли уларни хорижий давлатлар кўплаб харид қилмоқда.

Бугунги кунда туманимизда 30 та йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатяпти. Шундан 22 таси очик турдаги ҳиссасдорлик жамияти таркибига иш кўрмоқда. Мен юқорида ҳикоя қилган «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ҳиссасдорлик жамияти билан бир қаторда «Подъёмник», «Ортопедия», «Тошқилоқмаш», «Лола», «Кўйлик», «Тошмаргё», «Тошжазирба-таъмир», «Олтин бошоқ», «Одил дон», «Семур» ҳиссасдорлик жамиятларининг ўрни ҳам алоҳидадир. Хусусан «Семур» ўзининг телевизорлари билан, «Тошқилоқмаш» эса «Кейс» машиналари билан доврў қозонмоқда.

Дастуриимизда қурилиш ишлари ҳам кенг ўрин берилган. Зеро, инсон манфаатини бунингсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳозир туманимизда 20 дан зиёд қурилиш ташкилотлари, 18 та транспорт ва алоқа корхоналари бор. Шунингдек бу ерда тепловоз ва вагон депоси, 2 та автокорхона жойлашган бўлиб, улар туман аҳолисининг оғирини енгил қилишга, ижтимоий ҳимоя масалаларини ҳал этишда бизга яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Мустақиллигимизнинг ўтган олти йили давомида қурилиш борасида талай ишлар қилинди. Масалан мен юқорида тилга олган «Фарғона йўли» кўчаси гарчи ўтган йили фойдаланишга топширилган бўлса-да, унда трамвай йўли қурилиши, қолаверса кўчанинг



«Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссасдорлик жамиятининг қудратли самолётлар йиғиладиган цехида.

икки чеккасидаги таъмирлаш ишлари бу йил ҳам давом этмоқда. Энг муҳими, бу йилда троллейбус линияси қурилиши жадаллик билан олиб боришмоқда. Яна бир ойдан кейин Амир Темур хибонидан йўлга чиққан троллейбус «Кўйлик»қа етиб келади.

мизда бу масалада эътиборли иш олиб бориляпти. Хусусан 48 маҳаллани бирлаштирган «Янгиобод» даҳасидаги «Наврўз» чойхона гузари гузал масканлардан биридир. Бу йил эса Миршаропов маҳалла гузари фойдаланишга топширилади. Содиқ Азимов ва

ун, юз қоп гуруч бепул берилди. 20 та ёлғиз фахрийларнинг уйлари тўла таъмирдан чиқарилди. Йил давомида бешта оилга бепул телефон туширилди. 30 ногирон мунтазам равишда дори-дармон билан таъминлаб келинади. 155 дан ортиқ ёлғиз оилалар

ҳисса қўшмоқда.

Жорий йилда давлат бюджетининг ижтимоий соҳага қаратилган харажатлар қисmini асосан коммунал хизматларга сарфлашни кўзда тутганмиз. Бу уйлари таъмирлаш, газ, канализация, ичимлик суви тармоқларини яхшилаш деган сўздир. Шунингдек уй-жой, мактаб ва бошқа муассасалар қурилиши ҳам диққат марказимизда. Чунончи, 233-мактаб қошида ёпиқ сув ҳавзаси, стадион, теннис корти қуриляпти. «Чизель» даҳасида 480 ўринли боғча қурилиши тугалланяпти.

Туманимизда янги-янги савдо расталари, нон дўконлари, ошхона, қаҳвахона, шифохоналари бунёд этиш ишлари ҳам кенг микёсда олиб боришмоқда. Масалан, бу йил 10 та бозорни ўзида бирлаштирган «Паркент» бозори ҳиссасдорлик жамиятининг «Паркент» бозори қурилишининг иккинчи навбати ниятисига етади. Кўни кеча бу ерда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи 170 ўринли янги савдо растаси иш бошлади. «Янгиобод» даҳасида 280 ўринли шифохона қуриляпти.

Туманда газлаштириш ва канализация ишлари ҳам деярли юз фоизга бажарилган. Бу йил табиий газ ва канализация тармоқлари қирмаган «2-Корасув» кўчасидаги 6 та хонадон, «Паркент йўли» кўчасидаги 204 ва 206 барак уйлар ҳамда «Висол» кўчасида чала қолган газ ва канализация юмушлари ниятисига етказилади. Йил охиригача уч километр узунликдаги сув қувурлари таъминланиб 3,5 километр масофага қўзилган ичимлик сув тармоқлари янгиланади.

Худудимизда 3 та маданият уйи, 5 та мусиқа мактаби, 8 та кутубхона мавжуд. Маданият уйлари қошида турли тўғараклар (тикувчиликдан тортиб театр студияларигача) ишлаб турибди. «Дўстлик» клубимизнинг доврўи эса бугунги кунда ҳатто чет элларда ҳам машҳур бўлиб борапти. У республика мустақилликка эришган йили ташкил этилганда. Ҳозир бу клуб Россиянинг Ковров шаҳрида жойлашган Халқаро дўстлик клублари ассоциациясининг аъзоси ҳисобланади. У Ҳамдўстлик мамлакатларининг деярли барчасида, шунингдек Америка, Германия, Франция, Туркия ва бошқа кўпгина ривожланган давлатлардан дўстлар ортирган. Клубга қатнашаётган ўқувчиларнинг 80-90 фоизи институт талабалари бўлиб етишмоқда.

Республикада жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш ҳамда «Соғлом авлод учун» давлат дастурининг бажарилишини таъминлаш мақсадида туман ҳокимлиги «Турон» футбол командасига барча шароитларни яратиб берапти. Шунингдек корхона, ташкилот ва маҳаллаларда физкультура ва спортга яхши эътибор қаратилган. Бу чора-тадбирлар меҳнат жамоалари ўртасида спортнинг турли соҳаларига бўлган қизиқишни уйғотмоқда.

Йилимизнинг яна бир муҳим вазифаси кичик ва хусусий тадбиркорликни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаришдан иборат. Бу масалада талай йотуқларга эришилди. Энг муҳими хусусий тадбиркорлик манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий замин яратилди. Ҳозир бизда 404 та кичик қўшма корхоналар, 985 та хусусий корхона ва фирмалар ишлаб турибди. Биз моҳият-эътибори билан кичик ва ўрта бизнес ақин келажакда, ишлаб чиқариш таркибига, экспорт таркибига, ҳаракатчан, тез ўзгариш қобилиятига эга бўлган тармоқ сифатида иқтисодиётда етакчи ўрин тутушига эришиш учун ҳаракат қилаямиз.

Ишончимиз комилки, Инсон манфаатлари йили Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек халқимизнинг, давлатимизнинг обрўсига обрў қўшади, озода ва обод Ватан қуриш йўлида янги босқич бўлади.

Ҳамза туманига бағишланган саҳифани Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ тайёрлади.
Суратларни Рустам Шарипов, Рашид Галиевлар тасвирга туширишган.

Ўзбекистон Мустақиллигининг олти йиллиги олдидан



Инсон манфаатлари йили

ОБОД ВАТАН ҚУРИШ ЙЎЛИДА

Туманлар йўқламаси: Ҳамза

«Дархон» кўприги худди «Олой» бозори ер ости ва ер усти қисми қурилиши қиёфасини олади. Бу ерда ҳозирда «Кўприк-созлик» ва «Паркент сув қурилиши» ҳамда «Автойўл» қурилиш трестларининг азаматлари тер тўкиб ишлашмоқда. Чунки улар ушбу мажмуани Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширишмоқчи.

Бу йилги режа бўйича «Тоштураржойкурилишбанк» ҳисобидан 8,5 минг квадрат метр, туман корхоналари ҳисобидан 7,5 минг квадрат метр, «Ўзбекистонтрансгаз», «Тошкенттураржойкурилиши», «Ўзбекистон қишлоққурилиши»нинг 35-механизациялашган кўча колоннаси ҳисобидан эса 18,5 минг квадрат метр турар жой бинолари қурилади.

Маҳалла гузарлари қурилишига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Умуман худуди-

Ҳамза кўчалари кесишган жойда эса Усмон Юсупов маҳалла гузари бунёд этилмоқда. Бу қурилишни Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки хайрия тариқасида қуриб берапти. Бу қурилиш ўтган йили апрель ойида бошланган эди. Ҳозир иш якунига етиб борапти. Ганчкорлик ишларини эса «Илҳом париси» фирмаси хизматчилари бажаришляпти. Маҳмуддан 354 кишилик зал, очик тўйхона, чойхона, келин-куёвлар хонаси, хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш хоналари ўрин олади.

Инсон манфаатлари йили учун белгиланган тадбирларни амалга оширишда маҳалла кўмиталарининг ишлари янада фаоллаштириш катта аҳамиятга эга. Дастуриимизда улар олдида кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, болали оналарга давлат нафақаларини ўз вақтида етказиб беришни на-


ҳар ойда озиқ-овқат билан бепул таъминланади. Туман ижтимоий таъминот бўлимининг 10 хизматчиси уларга мунтазам хизмат кўрсатиб келади.

Шунингдек маҳаллалардаги кўп болали уй-жойга эътижманд оилаларни уй-жой билан таъминлашни Президентимизнинг маҳсул Фармонлари билан ташкил қилинган «Тошуйжойжамғармабанк» орқали амалга ошириш бошлаб юборилганлиги қувончлидир. Уй-жойга муҳтожлар эндиликда маҳалла ва туман ҳокимлиги орқали берилган тавсияларга биноан хонадонли бўлишмоқда. Уларнинг дастлабкилари эса аллақачон ҳовли тўйларини нишонлашди.

Маълумки, яқинда Тошкентда «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Бунда мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг тақдирини, одамлар дунёқарашининг ўзгаришида, буюк давлат барпо этишдек олийжаноб орзуимизнинг рўёбга чиқишида замон талабларига жавоб бера оладиган кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этиши қайта-қайта таъкидланди. Ана шу тақдирлардан келиб чиққан ҳолда дастуриимизнинг мана шу қисмига қўшимчалар киритишни лозим топдик. Ҳозир у шу соҳанинг билимдонлари томонидан қайта кўриб чиқилмоқда.

Туманимизда фаолият кўрсатаётган 30 та мактабда 32,5 мингдан ортиқ ўқувчи-ёшлар таълим олишмоқда. Уларга 5 мингдан зиёд ўқитувчи сабоқ беришади. Кўпчилик мактаблар аниқ фанлар бўйича ихтисослашган. Янги ўқув йилга мактабларни тайёрлаш учун 7 миллион сўм маблағ ажратилган. Бу борада оталиқ ташкилотлари яқиндан ёрдам беришмоқда. Чунки ҳар бир мактаб ёки болалар муассасасини бирон бир ташкилот ўз оталиғига олган. Бу йилги аниқ ҳисобларга қараганда 4 мингга яқин ўқувчи бепул ўқув жиҳозлари билан таъминланади. Болаларнинг ҳозирги таътил даврида бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун тумандаги барча кинотеатрларда ҳар кўни бир маҳал тарбиявий мавзудаги кинофильмларни текин кўрсатиш одат тусига кирди.

Бундан ташқари дастуриимиздан ҳозирги кунда туман мактабларининг бошланғич синфларида таълим олаётган камҳарж оила болаларини аниқлаш ва уларни бепул кийим-бош билан таъминлаш, мактаб ўқувчилари орасида иқтидорли ёшларни аниқлаш мақсадида туман, шаҳар ва республика фан олимпиадалари ўтказиш ва голибларни рағбатлантириш, ёзги таътил вақтида ўқувчиларни шаҳар ва унинг ташқарисидидаги оромгоҳларда дам олишини ташкил этиш, мактаблар ва мактабгача тарбия масканларида «Ўзбекистон кўшиқ байрами»ни ўтказиш, болаларда спорт ва туризмга бўлган қизиқишни кучайтириш каби муҳим масалалар ҳам ўрин олган. Ҳар бир мактабда маънавият ва маърифат хоналари ишлаб турибди. Юқориди санаб ўтилган ишларни амалга оширишда «Маҳалла», «Нуроний», «Наврўз», «Экосан», «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаларининг туман бўлимлари муносиб



Усмон Юсупов номи маҳалла гузари қурилиши поёнига етмоқда.



«Паркент» бозорининг янги расталари.



Ҳамза ва Қайюмов кўчалари чорраҳасидаги янги йўл қурилишида.

зорат қилиш, маҳалла гузарларида аҳолига керакли қулайликларни яратиш каби муҳим вазифалар қўйилган.

Инсон кўнгли гулдан нозик. Бир оғиз ширин сўз ёки кичикгина бир совға билан кўнгли тоғдек кўтарилади. Айниқса бундай эътиборга ёлғиз фахрийлар, кўп болали оналар, кам таъминланган оилалар лойиқ. Шуни ҳисобга олиб, ҳар бир байрам тантаналарида меҳрга ташна бундай кишилар совға-саломлар билан йўқлаб турилади. Масалан, биргина «Наврўз» ва «Ғалаба байрами» тантаналарида 130 оилга 500 сўмдан ёрдам пули тарқатилди. Муҳтожларга юз қоп



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институти клиникасининг болалар ортопедияси бўлимида: (чапда) ҳамшира Гулбаҳор Маҳмудова; (ўнгда) бўлим мудири Абдухалил Хўжанов.

Номзодлар

ЎЛМАС САНЪАТ СИРЛАРИН ОЧИБ

Республика «Мусаввир» бадий хунармандчилик амалий санъати миллий ишлаб қилиш марказига бошчилик қилаётган Шохалил Шойкубовнинг иш жойига ilk бор ташриф буюрган ҳар бир киши ўзини афсонавор жойга тушиб қолгандек ҳис этади. Хонанинг деярли ҳамма бўш жойи халқ амалий санъати усталарининг ишлари билан тўлиб-тошган. Девогларга осилган лаганлар хонага кўркамлик бахш этган бўлса, жажжи миниатюралар қадимият сари етаклайди. Мени ҳайратга солган нарсас бу ердаги буюмларнинг кичиклиги ва нафислиги эди.

— Шохалил ака, яқиндагина матбуотда тасвири ва амалий санъат, халқ хунармандчилиги соҳасида Камолитдин Бехзод номидаги Давлат мукофоти номзодларининг номлари эълон қилинди. Уларнинг ичида сизнинг исмингиз ҳам борлигини кўриб қувондим. Биласизми, миниатюрани қайта тиклаш иши сизнинг ҳам зиммангизга тушди, деган сўзларни кўп эшитганман. Шунга қандай қарайсиз?

— Маълум маънода тўғри. Лекин бу ишни дастлаб машҳур олимимиз Ҳамид Сулаймонов бошлаганлар. У киши хорижий юртларда кўп бўлганлар ва ўзга юртларда бизнинг бойлигимиз борлиги тўғрисида бор овозлари билан бонг урганлар. Ўзлари бош бўлиб Шарқ ва Ўрта Осиё миниатюра санъати намуналарининг рангли фотонусха-слайдларини Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейига олиб келишга муваффақ бўлганлар.

1978 йилда «Усто» бирлашмасини ташкил этгач, халқ амалий санъатига бирмунча эътибор қулайди ва лоқли миниатюрани тиклашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Бунинг учун Иваново вилоятидаги Палех миниатюралари билан ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузилди. Назаримда ўша кезларда Балашихадан бу ишнинг энг моҳирларидан бирига айланган Ниёзали Холматовни олиб келиб жуда тўғри иш қилганмиз.

Шохалил ака шундай дейди-да, стол устига Ниёзали Холматовнинг бажарган ишлари — қутчаларни қатор териб қўяди. Қутчаларда маълум бир сюжетга эга сахналар табиат фониди ишланган. Бу ишлар чуқур лирик кайфиятга йўғрилган бўлиб, уларда бироз фалсафийлик кўзга ташланади: «Гўзаллик шайдолари», «Ошиқлар», «Созанда».

— Ниёзали Холматов қутчаларни безашда, — дея давом этади Ш.Шойкубов, — анъанавий миллий услубдаги

заргарона техникадан фойдаланган холда эмалланган нақшкорликни қайта тиклади ва замонавийлик жон бахш этди. У том маънодаги юксак профессионал маҳорат соҳибидир.

Тўғри, ишни дастлаб бошлаганда бироз қийналдик. Масалан, рассомлар бўёқ тайёрлаш ва улардан фойдаланишда, зарур таркибий қисмлар ва аралашмаларни аниқлаш ҳамда тилла суви югуртиришда оқсашганди. Аммо ҳозир ҳеч қандай тўсиқ йўқ.

— Ҳозирги кунда миниатюрада ишлаётган қайси рассомларнинг ишларидан қониқиб ҳосил қиласиз?

— Мен Ниёзалини энг самарали ижод қилаётган рассомлардан деб биламан. Шунингдек, Шорасул Шохамедов, Абдор Турсунов, Убайдулла Қосимов, Жамшид Сайдалиев каби истеъодларимиз ҳам юксалиш сари интиломқдалар.

— Рассом бўлиш иштиёқида юрган ёшларга қандай тилакларингиз бор?

— Айни кунда республикамизда иқтидорли ёшлар жуда кўп. Жамшид Сайдалиев деган йигитимиз эндигина 18 баҳорни қаршилади. У ҳеч қаерда ўқимаган. Аммо бажарган ишларини кўринг. (Шохалил ака яна Жамшиднинг ишларидан намуналарни стол устига қатор териб қўяди. Жамшиднинг ишларидаги ўзига хослик ва фусункорлик мени мафтун этди.) Балки унга «Худо юқтирган» десам тўғри бўлар. Унинг чизганларига қараб тўймайсиз. Ҳар кўргангизда янги-янги маънолар топасиз. Жамшидга Баҳодир Йўлдошев устозлик қилган.

Инсон бу дунёдан кетгунча қадар ўрганиши керак. Буюқ тиб олими Ибн Сино ҳам бу ёруғ дунёдан кўз юмар чоғларда «Эҳ, афсус, ўлимнинг сабабини аниқлолмай кетяпман», деб афсус-надоматлар чеккан эканлар. Шунинг учун ёшларимиз ўрганишдан, изланишдан толмасинлар.

— Айни кунда сиз раҳбарлик қилаётган даргоҳда қандай одам меҳнат қилади ва қандай ишлар амалга оширилади?



— Марказда 300 дан ортиқ уста фаолият кўрсатмоқда. Салмоқли ишлар амалга оширилади. Йўқолиб кетаётган анъанавий услубларни тиклашга ҳаракат қилмоқдамиз. Масалан, арабий гиламларни кўрганмисиз? Бу гиламда космик дунё, планеталар акси туширилган. Бу ишни Қашқадарё

да халқ амалий санъати яхши ривожланган.

— Шохалил ака, эл ўртасида ўз обрўингиз, йўлингиз бор. Сизнинг шу даражага етишишигизда кимларнинг ҳиссаси бор?

— Аввало, мени ёруғ дунёга келтирган отам Шокарим, онам Турсуноиларга, сўнг ус-



вилояти Чирокчи тумани Кўкдала қишлоғида яшовчи Сориевлар оилавий жамоаси бажарайтир. Ёки бўлмаса патиглам (жулхир)ни Жиззах вилоятининг Галлаорол ичкари-сидаги тоғ бағридаги Қўйтош қишлоғи аёллари тўқишпти. Ҳеч бир юртда бундай санъат йўқ.

Мен тез-тез қишлоқларга бориб, момоларимизнинг ишларини кузатаман ва ёшларга азал-азалдан қандай бўлса, шундайлигича ўргатишларини илтимос қиламан. Масалан, сўзанчиларни олиб кўрайлик. Ургутда оқ-қора ранг устун бўлса, Бойсунда ранглар бой — турли хил. Узок йиллардан бери ургутлик сўзанчи Сабодхат Раҳматуллаевнинг ишларини оламан ва халқимиз қадимиятининг мероси сифатида ардоқлайман.

— Қайси хорижий давлатларда бўлгансиз?

— Мен шу саволингизни бошқачароқ тарзда ўзгартирсам. Яъни қайси давлатларда бўлмагансиз деб. Чунки дунёнинг 55 давлатида бўлдим. Япония, Англия ва Лотин Америкасида бўлмаганман. Лекин Лотин Америкасида бўлишни жуда орзу қиламан. Чунки у ер-

тозим Жалил Ҳакимовга, ундан кейин усталар раҳматли Усмон Умаров, Маҳкам ота Облокулов, Ҳоким бува Сотимов ҳамда Ҳамробиби Раҳимоваларга икки қўлим кўксимда таъзим бажо айлайман. Мен уларнинг дуосини олиб кам бўлмадим.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам элимизда «Олтин олма, дуо ол» деб бекорга айтишмайди.

Шохалил ака билан суҳбатлашар эканман, баъзи бир одамларга нисбатан ишлатилган «Ўз касбининг фидойиси» деган сўзлар ҳам уни таърифлаганда озлик қилади-гандек туюлди. У ўзининг бажарилган ва режалаштирилган ишлари хусусида ёниб сўзлар экан, унинг учун биринчи ўринда инсонлар туришини чуқур ҳис этдим. Шунингдек, республикамизнинг ҳар бир қарич ерини қадамба-қадам кезиб чиққан, халқ хунармандларини қийин дамларда қўллаб-қувватлаган, улар билан ёнма-ён бўлганлигига ишонч ҳосил қилдим.

Маъпура НАБИЕВА.
СУРАТЛАРДА: Шохалил Шойкубов (ўнгда) устaxonда; миниатюра асарларидан намуналар.

Ёнома

ЗИКРИЛЛА АКАНИНГ ЗИЁСИ



Аслида ҳарбий шифокор, тиббиёт фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, Пирогов номидаги мукофот соҳиби, қалбан ва табиатан моҳир қаламкаш, тиниб-тинчимас заҳматкаш, доимо ҳаракатдаги қомусий инсон бўлган Зикрилла Ёгамбердиевнинг номи яхши маълум ва машҳурдир. Сабаби унинг ҳаёти, меҳнат фаолияти саргузаштларга, турли латифалар, афандинамо ҳодиса-воқеаларга ниҳоятда бой эди. Аслида бу қизиқ воқеаларнинг ижодкори ҳам, муаллифи ҳам, ижрочиси ҳам Зикрилла аканинг ўзи бўлганидан, уларни ўз оғзидан ширин калом ва лутф ила маҳорат, эҳтирос билан ижро этишидан одам завқ-шаққа тўлиб кетарди.

Жаҳонгашта, қувваи ҳофизаси кенг, билимдон бўлган бу зот ўз қизлари, тиббиёт фанлари номзоди Зарифахон Ёгамбердиева билан ҳамкорликда ва алоҳида 30 дан зиёд турли китоблар ёзиб, уларни чоп қилдириб, халқимизга маънавий мулк, бойлик сифатида қолдирдилар. «Лўқмони ҳаким изидан», «Донорлар саломатлик ҳақида», «Тиббиёт ҳазинасидан», «Тиббиётдаги ажойиб ҳодисалар» ва бошқа кўплаб асарлари шулар жумласидандир. Мен ўзим гувоҳи бўлган, кўрган, эшитган, Зикрилла ака билан боғлиқ баъзи воқеаларни қаламга олиб, унинг руҳини бир қадар шод этишга азму қарор қилдим.

ТОПҚИРЛИК

1930 йилларнинг ўртасида Тошкент Давлат тиббиёт институтига Зикрилла ака билим олишга ҳар қанча тиришқоқ бўлгани билан рус тилини яхши билмагани учун анча қийналар экан. Бунинг устига тиббиётга оид барча дарслик, адабиётлар рус тилида бўлар, амалий дарс, машғулотлар ҳам шу тилда ўтказилар экан. Ҳадемай, давлат имтиҳонлари ҳам яқинлашиб, Зикрилла аканинг юраги така-пука бўла бошлапти. Чунки «Одам анатомияси» фанидан давлат имтиҳонини таниқли олим, ниҳоятда талабчан профессор Сергей Эмильевич Циммерман олар экан. Зикрилла ака дарвор топқирлик қилиб, ўша пайтларда рус тилини бошқаларга нисбатан пухта-пишиқ, мукамал биладиган, аёлочи, жамоатчи курсдоши, кейинчалик таниқли олим, невропатолог, тиббиёт фанлари доктори, профессор бўлиб етишган Ҳусниддин Салоҳиддиновга очиқдан очиқ дардини тўкиб солибди:

— Жон ўртоқ, менга бироз ёрдам бермасанг, аҳволим чатоқ, шарманда бўламан. Ўзинг биласан, рус тилига нўқман. Шунга домла Циммерманга ётиги билан ўзинг тушунтир, имтиҳон пайтида менга тилмочлик қилишигизга розилигини ол. Сенинг илтимосингиз ерда қолдирмайди. Хўп деса, ошиғимиз олчи, мен оғзимга келганини қайтармай жавабвераман, сен ёнига қўшиб-чатиб, тилмочлик қилаверасан. Қарабсанки, сиз ҳам, кабоб ҳам қуймайд. Имтиҳондан эсон-омон ўтиб олсам, яхшилигингни унутмайман. Жон ўртоқ, бир тушган иш, йўқ дема.

Хуллас, иш мўлжалдагидек бўлиб, Зикрилла ака имтиҳон топшириш учун домла Циммерманнинг қаршисига ўлтириб, саволлар ёзилган чиптани қўлига олади. Саволлар унга танишлиги, қолаверса, ёнида садоқатли, моҳир тилмоч дўсти борлигидан руҳланган Зикрилла ака кўнгли тўқ бўлиб, аста-секин ўзбек тилида мавзунини ёри-тиб, баъзан русча, баъзан лотинча атама, сўзларни ҳам жумлага қистириб, билганча булбулигўёлик қила бошлайди. Баъзан гап орасида бўйни, бошини ўнг, чап томонларга буриб, қўли билан мавзуга оид одам аъзоларига ишора қилармиш, тўш суяги ва ўмов суяги, чакка суягининг асосий вазифалари ҳақида гапира туриб: «Бу ёғини энди, Ҳусни оғайни, ўзинг олиб қочасан», дебди.

Зикрилла аканинг шу гапидан кейин хушёр тилмоч дўсти одам мускулдан тортиб, ошқозоннинг фаолиятигача, унинг паловни ҳазм қилиш имкониятларигача айтмаган гапи қолмабди, дўстлик ҳурмати деб ўз билганларини Зикрилла аканинг жавоби тарзида булбулигўёдек сайраб гапирариверди. Шунда узок сукутдан кейин домла Сергей Циммерман:

— Офарин, йигитлар. Ҳатто сизлар имтиҳондан олдин чойхонада палов еб туриб ҳам фан ҳақида, одам анатомияси ҳақида ўйлабсизлар. Раҳмат, сиз жуда истеъодли, исми жисмига мос одам экансиз, — дебди Зикрилла акага қараб астойдил хурсанд бўлиб. Хуллас, шу кунни талабчан профессор Сергей Циммерман Зикрилла аканинг тилмоч дўсти орқали берган жа-

вобларидан қониқиб ҳосил қилиб, унинг билимини аъло баҳолабди...

ОЗОН ДЕДИНГИЗ, ОЗОН ЁЗДИМ...

Зикрилла ака институтнинг иккинчи курсида ўқир экан, биокимё фанидан давлат имтиҳони топшириш учун ўз соҳасининг билимдон, талабчан, қаттиққўл профессор Дамин Назарович Соҳибовнинг қабулига кирибди. Кўзойнак остидан Зикрилла акага қараган домла хўмрайиб туриб дебди:

— Азонни ёзинг!
Зикрилла ака узок ўйлаб ўтирмай, дарвор қаламини ишга солиб, бир парча қорозга катта-катта ҳарфлар билан дон-дона қилиб тўртта ҳарф ёзипти.

Бунга кўрган домланнинг тепа сочи тикка бўлиб, қош-қовоғи тушиб, пешонаси тиришибди.

— Мана сизга озон бўлса озон-да, домлажон, бунинг ҳеч қийинчилиги жойи йўқ.

Зикрилла ака аввал ёзганини бошқадан ёзишга эриниб, чакқонлик билан битта олдинги бош ҳарфни шартта ўчириб, уни «О» ҳарфи билан алмаштирибди-да, домлага кўрсатибди. — Мана озон бўлди, домлажон!
— Э, мен сиздан озоннинг қимёвий формуласини сўрапман! Олди формулини билмаган одам қандай қилиб имтиҳон топширишга келдигиз? Боринг, яхшилаб тайёрланиб келинг, баҳонингиз икки! — дебди домла жонжаҳди билан.

Зикрилла ака қараса иш чатоқ. Дарвор бўш келмай, домлага ялиниш, тушунтиришга тушибди:

— Ахир инсоф билан-да, домлажон! Бу қанақаси бўлди? Азон дедингиз, озон деб ёздим. Кейин озон дедингиз, озон деб ёздим. Тўғрими? Тўғри! Биламан, домлажон, ёмғир ёққанида ҳавода озон моддаси қўлайиб, ҳаммаёқни арзон озон босиб кетади, ҳамма маза қилиб нафас олади. Унинг Ноль учлигини билар эдим-ку, лекин нима учун шундай бебаҳо модданинг баҳоси Ноль беш эмас. Ноль учлигидан кўнглим тўлмай юрарди, майли, сизнингча бўлақолсин, Ноль уч бўлса, Ноль уч-да, домлажон. Илтимос, Нolini ўзингизга олиб қилиб, учини менга қўйинг, стипендиядан қуруқ қолмай!

Ўз сўзидан илинган домла ҳам мардлик қилибди...

СЎНГИ КЎНФИРОҚ

1994 йилнинг сўнги, 31 декабрь куни соат 14—15 лар атрофида соғлиқни сақлаш вазирлигидаги ишхонадан Зикрилла аканинг уйларига кўнғироқ қилдим, ишлар кўпайиб уларнинг олдиларига бориб, янги йил билан табриқлай олмаганим учун узр сўрадим.

— Раҳмат, болам, раҳмат! — дедилар. Шунинг ўзи ҳам катта гап. Янги йилда худо хоҳласа, ошсон ёшга кирман, эл-юртга сак бераман, ўзингиз бош бўласиз.

— Ниятингизга етинг!
— Энди бир нарсас дейишим қийин, болам. Биз пишиб турган ош. Ҳар хил қутилмаган воқеалар бўлиши мумкин. Сиз ёшлар омон бўлинглар. Айтмоқчи, уйдаги анча-мунча нарсаларини соғлиқни сақлаш музейига бериб юбордим. Ертўламадаги қолган ҳамма нарсаларим сизники, қалитини ҳам сизга топшириб кетаман. Бу ёғини ўзингиз бошлаб, бўшаштирмай давом эттирасиз, хўпми?!

— Э, устоз, музейингиз ҳам, қалитингиз ҳам ўзингизга буюрсин!
— Янги йил баҳонасида бир келсангиз, оёғина шўхлик қилармидик...

— Худо хоҳласа...
Хизр нафас қилган домлаимиз, устоз Зикрилла ака 1995 йил 1 январь куни пeshинга яқин юриб-туриб, тўсатдан бандаликни бажо қилдилар. Жанозада тумонат одам бўлди...

Искандар РАҲМОН.



Шаҳар саломатлик марказида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташиқоти Ўзбекистон бўлимининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Канада, Туркия ва Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия мамлакатларидан ҳам вакиллар қатнашдилар.

Савол-жавоб тарзида ўтказилган давра суҳбатини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташиқотининг Ўзбекистондаги вакили Руфат Янусов олиб борди. Уни ўтказишдан асосий мақсад жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, тамаки чекиш ва у олиб келади-

ган оғир кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишдир.

— Ҳар йили ер юзида чекиш оқибатида 3 миллионга яқин киши ҳаётдан кўз юмади, агар та-

маки чекишни камайтирмасак бу кўрсаткич 3-4 йилдан сўнг 10 миллионга етиши мумкин, — деди анжуманда

қуйдагиларни таъкидлаб ўтди:
— Ҳозир кўпчилик орасида тамаки чекиш ҳолларининг учраши жу-

САЛОМАТЛИК

КОНИ ЗАРАР

Руфат Янусов. — Ҳисоб-китобларга қараганда Ўзбекистонда ҳар йили 8 минг одам тамаки чекиш оқибатида ҳаётдан кўз юмар экан.

Америкалик Барбара Золти куюнчақлик билан да ачинарлидир. Чунки тамаки орқасида инсон тақдири ётади. Тамаки келтириб чиқараётган касалликлар, айниқса, рак натижасида миллионлаб одамларнинг ҳаёт чироғи сўнмоқда.

Бу бевосита иқтисодийётга ҳам салбий таъсирини кўрсатмоқда. Тамаки чекишни йўқ қилиш ёки қисман бўлсада камайтириш учун менимча биринчи ўринда тамакиларни реклама қилмаслик, иккинчидан тамаки нархини юқори нархда баҳолаш ҳамда тамаки чиқарадиган компанияларнинг ўзи чекишнинг зарари ҳақида маълумот берсалар анча тўғри бўларди.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.



Ажойиботлар

ХОТИРАНГИЗ КУЧЛИМИ?

Олимларнинг фикрича, инсон мияси табиатнинг энг буюк инъоми ҳисобланаркан. Кишининг кексайгани сайин хотираси пасаяди, деган фикрлар ниятда нисбийдир. Ҳар бир киши ўз ҳаётида бўлиб ўтган воқеаларнинг энг камида 5 фоизини тиклашга қодир.

Баъзи инсонлар жуда мукамал хотирага эга бўладилар. Мисол учун Элия Гаон деган киши 2500 жилд асарни ёддан билган ва хоҳлаган пайтда хоҳлаган сатрини айтиб бера олган. Шунга ўхшаш Эрон шоҳи Кир ҳам ўзининг 30 минг аскарларини номма-ном билган.

Хотиранинг ёмон ишлашига инсоннинг ўзи сабабчи экан. Яъни бир кунлик чекиш ўқиш қобилиятини 4,4, кузатувчанликни 7, ҳаракат қобилиятини 1, хотирани эса 5,5 фоизга пасайтирар экан. Инсон хотирасининг асосий қушандаси уни фаол ишлатмаслик, яъни ақлий дангасалик дейишдади рухшунослар.

ОДАМ АТОНИНГ «ОЛТИН» ҚОВУРҒАСИ

Мукаддас китобларда ёзилишича, Худо аёлларни Одам Атонинг қовурғасидан яратган экан. Шунинг учун узоқ вақтлардан бери эркак ва аёл бир-бирларидан фақат жинсий ва баъзи бир физиологик функциялари билангина фарқ қилади деб келинарди.

Лекин фан кейинги йилларда эркак ва аёлларнинг тана тўқималари, ҳужайра ҳамда молекулалари тузилиши орасида ўзаро катта фарқ борлигини исботлаб берди. Польшалик мутахассис Е. Канабродекки аввал соғлом, сўнг бемор эркак ва аёллар танасидаги микроэлементларнинг миқдори ва нисбатини ўрганди. Уларнинг соч ва тирноқ сифатини текшириб чиқди. Бу эса улар организмнинг ҳар дақиқадаги биохимиясини анча аниқ акс эттириб берди. Нейтронактивацион усул ёрдамида текширилганда касалланган тананинг кимёвий таркиби ўзгариши маълум бўлди. Бу аввалдан ташхис қўйиб, беморни ўз вақтида даволаш учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шов-шувга сабаб бўладиган энг муҳим сабаблардан бири Одам Ато ва Момо Ҳаво таналаридаги микроэлементларнинг фарқи бор экан. Ҳозир аёллар танасидаги олтин ва симоб миқдори беш-олти маротаба кўпайиб кетган. Фан бу ҳолатни, яъни Одам Ато «қовурғаси» қачон олтинга айланиб қолганлигининг сабабини аниқлашга ожизлик қилмоқда. Аёллар танасидаги симобнинг кўпайиши эса уларни «заҳар» қилиб қўяётган бўлса эҳтимол.

Иззат АҲМЕДОВ тайёрлади.

Жаҳонга ўз ишлари, тадқиқотлари, янгиликлари билан машҳур бўлган кишиларнинг содда, одамшаванда, бойликка, амалга ҳирс қўймасдан ҳаёт кечирганликлари ҳамда ҳар доим жамият учун ўзларининг барча имкониятлари, манфаатларини сарф қилганликлари ҳақида эшитганмиз. Қуйида шундай машҳур кишилар ҳаётидан кичик лавҳалар келтирамиз.

ХИЗМАТИГА ЯРАША МУКОФОТ

Петр Капица Англиянинг Кембриж университетининг жаҳонда ягона физик лабораториясининг қурилиши ташаббускори ва бу лабораторияда 1930-34 йиллари директор эди. Шу лабораторияни қурдирган ядро физикасининг асосчиси, машҳур физик олим Эрнест Резерфорднинг ўринбосари ҳам эди. Капица Москва физика муаммолари институтини бошқаришга қайтгандан кейин, унинг дўсти 200 минг фунт стерлинг турадиган лабораторияни Капицага ҳадя қилиб, Москвага олиб кетишига рухсат берди (ўша пайтда

1 фунт стерлингга 5 та қўй берган). Шунда Резерфорд Капицага қараб: «Бу машиналар Капицасиз ишламайди, Капица эса буларсиз», деди. Шу ноёб машиналар туфайли ядро физикаси, ҳамда паст ҳароратли тадқиқотлар учун замин яратилди

Биласизми?

МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

ва бу ишлар бўйича Нобель мукофотини олганлардан бири П. Капица эди.

ИҚТИДОРНИНГ БУЮК ҚИЙМАТИ

Жаҳонга машҳур физик олим, Нобель мукофотининг совриндори Альберт Эйнштейн олдига 1939 йилда Испания республикачиларига ёрдам тариқасида иштиёрий маблағ йиғувчи келиб: «Сизнинг фамилиянгиз тўғрисида неча долларлик ёрдам пули ёзиб қўяй», дея сўради. Эйнштейн эса чўнтагини қараб атиги 5-6 доллари борлигини айтди.

Бироқ у пул йиғувчига ўзининг янги асари қўлёзмасини ҳадя қилади ва «сиз бу асарни сотинг, мен эса чекига қўл қўйиб бераман», дейди. Буни қарангки, мазкур асарни АҚШ конгресси икки миллион долларга баҳолади ва пул йиғувчи пулларнинг барисини олиб кетди. Қизиги шундаки, Эйнштейн унга ўзининг машҳур «Нисбийлик назарияси» асарининг қўлёзмасини берган эди.

МИЛЛИОНЕРЛИКДАН ВОЗ КЕЧДИ

Машҳур олим, атоқли хирург Бернард жаҳонда биринчи бўлиб Кейптаун шаҳрида хастанинг ишдан чиққан юраги ўрнига донор юрагини қўчириб ўтказганлиги билан тарихда қолган инсон эди. Унинг бу оламшумул операцияси жараёнини ойнаи жаҳонда кўрсатиш учун телевидение ходимлари Бернардга 1,5 миллион доллар бермоқчи бўлганларида у бу шартга кўнмаган эди. Шу тариқа дастлабки муваффақиятли юрак операцияси тасмага муҳрланмай қолди.

Илҳом ШЕРМУХАМЕДОВ тайёрлади.



«Меҳрибон тарбиячиларимиз оғушида кунларимиз бир-бирдан завқли ўтади», дейишдаи шахримиздаги Рустам Шарипов олган суратлар.

Яқинда Акмал Икромов туманидаги мавзёлардан бирида қотиллик рўй берди. Қотиллар ким дерсиз. Уч ўсмир. Уларнинг энг қатъиси 16, қолганлари 11 ва 12 ёшда. Учовчи ҳам бирон жойда ўқимайди ёки бўлмаса фойдали меҳнат билан шуғулланмайд.

Болаларнинг қатъиси А.Погулин носоғлом оилада ўсди. Унинг уйдаи бирон бир кун бекалва ва жанжалсиз ўтган эмас. Ота ичиб келиб хотинини дўппослайди. Онанинг ҳам қолишгиси келмайд. Бир муштга бир мушт билан жавоб беради. Оиладаги носоғлом муҳит яккаю ягона фарзандлари Сашанинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмади.

Жиноят

ЎСМИР... ҚОТИЛЛАР

Бола кўрс, қизганчик бўлиб вояга етди.

Кейин у ўғирликка қўл урди: ёнидаги кўп қаватли уйлاردан бири олдига ўй бекаларидан бирининг дорга олиб қўйган спорт либосларини «тинчтичи» кетди. Кейин бошқа маҳаллалардаги кишиларнинг кетмондан тортиб гиламгача йўқола бошлади. Одамлар Сашадан шубҳаланишса ҳам ашёвий далил билан ушламаганларидан сўнг уни ўғри деб аташолмасди. Ҳамма нарсанинг ҳам поёни бўлганидек ўғри бола ҳам бир кун қўлга тушди. Вояга етмаганлиги учун жазо олмади. Оила эса чоқоқидан сўкилиб бўлганди. Ота бир томон, она бошқа томонга тарқалишди.

Иккинчи бир қора қилмиш сабабчиси Игор Мамонов 12 ёшда энди қоралади. Лақаби «Учар». Бир нечта ўғирлик иштирокчиси, Сашанинг ўнг қўли. Игорнинг қисмати ҳам ҳавас қилиб бўлмайди. Кўп қаватли уйлاردан бирида суюқ оёқ онаси билан яшайди.

Учинчи ўсмирнинг тақдири ҳам шундай. «Кўр кўрни қоронғуда топибди» деганларидек, учовлон кўчада тарқалишди.

Хуллас у бўлди, бу бўлди, учта бола кўчада қаровсиз қолиб кўнғилларига сиққан ишларини қилиб юришди. Саёқ юришининг оқибати эса фожиа билан тугади.

Бир кун кечқурун учовлон ичиб ширакайф бўлган кимсани учратиб қолишди. Саша «ука»ларига унинг чўнтагини «қоқиб» қўйишни маслаҳат қилди. Ҳар қандай буйруққа шай турган укалар бирпасда «амаки»ларининг олдини тўсиб чўнтагининг авра-астарини ағдаришди. Ўлжа қутилганидан ҳам зиёда бўлди —

300 АҚШ доллари ва 5 минг сўм. Ширакайф киши эса уларнинг нима қилаётганлари билан қизиқиб ҳам кўрмади. Зеро, ичкилик уни шу даражада беҳуш қилганди. Болаларнинг «акаси» ушбу кимсанинг кўрагига бир мушт уриб ерга қўлатди. У бир нарсалар дея ўрнидан туришга уринди. Аммо кичикларнинг акадан ўрнак олиб, туширган мушт ва тепкилари унга туриш учун имкон бермади. Болалар ваҳшийлаша бошлашди. Унинг қорни ва юзига оёқлари билан сакрашди. Уч-тўрт бор шундай қилишгач, зўрға нафас олаётган номаълум кишини бир чеккага чиқиб қузатиб туришди. Орадан биров ўтгач ҳалиги одам ўрнидан туриб, юра бошлади. Учовлон энди уни орқасидан тепишга тушишди. Маст кучли зарбалардан қакшаб кўп қаватли уйлар томон қоча бошлади. Бор овозини чиқариб бақириб, одамларни ёрдамга қақириб биринчи йўлакка қочиш кирди. Қайсидир хонадондан эркак киши чиқиб болаларга дўк уриб, бас қилинлар, деди.

— Бу маст кишини сизларнинг йўлагингиздан қувиб чиқармоқчимиз, — дея жавоб қайтарди Саша.

У киши бўлса бу ерда ортиқча шовқин кўтарманг, деганича эшигини ёпиб қўйди. Бошқалар эса эшитишса ҳам эшитмаганга, кўришса ҳам кўрмаганга олишди ўзларини.

Энди гапни бу ёқдан эшитинг. Тепки азоблари зарбидан ўзига келган маст секин юриб ташқарига чиқди. Бироқ яқиндагина калтаклаган безорилар уни ҳамон пойлаб туришгани билмаганди. Ўсмирлар уни яна қувлай кетишди. У эса қочиб қўшни йўлакка кириб кетди. Саша унинг олдини тўсиб, яна бир карра ҳамма чўнтак ва кийимларини текшириб кўрди. Чўнтагидан аллақандай қоғозларни топиб олди. «Пулни қаерга яширгансан», дея қорнига мушт туширди. Маст бамисли дарахтдек ерга қўлади. Шундан кейин Саша қоғозларни унинг кийимлари орасига тикиб, гургурт чакди. Қоғоз ёна бошлади. Болалар ташқарига қараб қочишди. Жабрланувчи ўзига келиб дуч келган эшикка ёрдам сўраб бош урди.

Биров милицияга хабар қилди, бошқалар дўхтир чақирди. Бироқ вақт ўтганди. Жабрланувчи касалхонага етиб бормасдан йўлда жони узилди.

Мудҳиш фожиа юз берди. Кўпчиликнинг кўз ўнгига бир инсон оламдан ўтди. У аслида лоқайдлик қурбони бўлди. Қўни-қўшнilar, жамоатчилик саёқ юрган ўсмирларнинг юриштириши билан ишлари бўлмади. Уч ўсмир зўравон бир кишини ваҳшийларча дўппослашса ҳам, бу жиноятни қўриб ўзларини кўрмаганга олишди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходими.

Тошкент метрополитенининг муҳофаза қилиш бўйича ички ишлар бўлими ходимлари кундалик ҳаётидан бир неча мисоллар келтирмоқчимиз.

◆ Эрта тонг. Йўловчилар сийрак. Ўрта бўйли, 37 ёшлардаги йигитнинг кўзи ички ишлар ходимларига тушди-ю бексаражонм бўлиб қолди. У қаддини метро пиллапоёси томон тезлаштирди.

«02»

СЕРГАК ПОСБОНЛАР

— Бир дақиқага тўхтанг!

Буйруқ йигитни янада шоширди. Бироқ иккинчи бор эшитилган товушдан шошқалоқ йўловчи тўхтади.

Тезкор ходимлар «меҳмон»нинг ҳужжатларини текшириб, унинг Виталий Югай эканлигини аниқладилар. 1930 йилда туғилган. Россия фуқароси бўлган бу кимса тинтув қилинганди унинг ёнидан 1,32 грамм гиёванд модда қикди.

◆ Пешин. «Амир Темур» метро бекатида осойишталик бир маромда давом этади. Бу осойишталикни қиз боланинг қаттиқ чинқирғи бузди. Ички ишлар бўлими навбатчиси Х. Икромов овоз келган томонга югурди. Жабрланувчи Раёно Рўзматова бўйинини ушлаб метро пиллапоёсидан тепага югуриб кетаётган икки кишини посбонга кўрсатди. Уч йилдан бери метро ички ишлар бўлимида хизмат бурчини аъло ўтаб келаётган Ҳабибулла чакқонлик билан югуриб кетаётганлар томон чопди. У бор кучини тўплаб улардан бирини елкасидан маҳкам ушлаб тўхтатди. Унинг шериги эса қўрқувдан яна қадамини катта ташлади.

Ҳабибулла Икромовнинг чакқонлиги туфайли Раёнонинг бўйинидан тилла занжирини юлиб қочган жиноятчи Андрей Кирокини қўлга тушди. Унинг шериги Алишер ҳам ҳозир ўз қилимишдан пушаймон.

◆ Сергей Дубинин қариб қуюлмаганлардан. У илгари ҳам майда безорилиги учун 4 марта судланган.

«Текинхўрлик касали»га учраган С. Дубинин Рашидов шохбекати, 40-уй томига ўрнатилган ҳаво антеннасини ўмаришни мўлжаллаб юрган эди, ният у режалаб қўйган ишини амалга оширди.

«Фазогирлар» метро бекати одатдагидек эрта тонгдан йўловчиларга тўла. «Камалак» антеннасини кўтарган Сергей Дубинин ўзини қанчалик осойишта тутмасин ички ишлар бўлими ходимлари Ботир Эрнazarов ва Шухрат Тўлагановларнинг диққатидан четда қолмади.

— Тўхтанг, антеннани қаерга олиб кетяпсиз?

— Тирикчилик-да, сотгани олиб кетяпман.

— Ҳужжатиңизни кўрсатинг. С. Дубининнинг уринишлари беҳуда кетди. У ички ишлар бўлими ходимлари қўлидан чиқиб кетиш учун қанча ваз-қорсон кўрсатмасин охири айбига иқдор бўлди.

◆ Ички ишлар бўлими ходими Андрей Гуреев «Навоий» метро бекатида хушёр туради. Қора сумка кўтарган киши унинг диққатини ўзига тортди. У йўловчиларни ёриб ўтиб йигитни тўхтатди. Тинтув вақтида Қозғистон фуқароси бўлган О. Топшўлатовнинг сумкасидан 17 дона 5,6 миллиметрли жанговар ўқ қикди. Жиноятчи аввал А. Гуреевдан осонликча қутилиш чораларини излади. Лекин у чўчварани хом санаган эди.

Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ.

Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРAT
ХАБАРЛАРИ
ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар прокуратураси раҳбарияти «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунга биноан туман прокуратураларида қуйидаги тартибда фуқароларни қабул қилиш кунларини ўтказадилар.

Қабулга фуқаролар шахсан мурожаат этишлари ёки кўрсатилган телефон рақамлари орқали ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдиришлари мумкин.

Акмал Икромов туман прокуратурасида	28.06.97, 05.07.97 йил соат 10 дан 13 гача, 1-хонада. Тел. 74-81-33, 74-85-41.
Бектемир туман прокуратурасида	27.06.97, 11.07.97 йил соат 16 дан 20 гача, Тел. 92-45-97.
Мирзо Улугбек туман прокуратурасида	23.06.97, 25.06.97 йил соат 16 дан 20 гача, 15-хонада. Тел. 67-45-51.
Миробод туман прокуратурасида	27.06.97, 08.07.97 йил соат 16 дан 20 гача, 1-хонада. Тел. 56-38-41.
Сирғали туман прокуратурасида	24.06.97, 27.06.97 йил соат 16 дан 20 гача, 1-хонада. Тел. 58-05-22.
Собир Раҳимов туман прокуратурасида	30.06.97, 11.07.97 йил соат 16 дан 20 гача, 1-хонада. Тел. 48-33-80.
Ҳамза туман прокуратурасида	24.06.97, 07.07.97 йил соат 16 дан 20 гача, 5-хонада. Тел. 67-99-05.
Чилонзор туман прокуратурасида	26.06.97 йил соат 16 дан 20 гача, 05.07.97 йил соат 10 дан 13 гача, 15-хонада. Тел. 77-87-90.
Шайхонтоҳур туман прокуратурасида	25.06.97, 09.07.97 йил соат 16 дан 20 гача, 25-хонада. Тел. 42-98-76.
Юнусобод туман прокуратурасида	30.06.97 йил соат 16 дан 20 гача, 05.07.97 йил соат 10 дан 13 гача, 2-хонада, Тел. 34-52-73.
Яккасарой туман прокуратурасида	27.06.97, 04.07.97 йил соат 16 дан 20 гача, 1-хонада. Тел. 55-29-22.

Тошкент шаҳар прокуратурасида ҳар иш кунни соат 10 дан 18 гача, 120-хонада. Тел. 77-10-11. Душанбадан жумагача. Тошкент шаҳар прокуратураси.

ТАДБИРКОР БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?
МАРҲАМАТ!

АУДИТОР, АВТОСЕРВИС МЕНЕДЖЕРИ, СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИ БЎЛИШНИЧИ?

Бу ниятиңизга фақат Тошкент тижорат техникумига ўқишга кириб эришишиңиз мумкин.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Манзилимиз: Тошкент шаҳар,

Яккасарой тумани,

Усмон Носир кўчаси, 105-уй.

Телефон: 53-61-31

Трамвайлар: № 7, 28, 24.

Троллейбус: № 15.

Автобуслар: № 135, 32, 57, 38, 58, 69, 79.

«Қон қўйиш институти» бекати.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритилади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 33-28-95. Факс: (3712) 33-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 202, 202-«а», 206-ХОНАЛАР.

Собир Раҳимов ҳокимлиги томонидан 1995 йил 6 мартда **Эркин Исмаилов Кудратов** номига берилган № 011312 рақамли қайд гувоҳномаси йўқолиши сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар телефон тармоғи ва радиолоштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси «Ўзбекмаҳаллийтелеком» Давлат бирлашмасининг Бош директори Тохир Фафурович Раҳимовга онаси

Азиза РАХИМОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 33-29-70;
эълонлар: 33-28-95,
33-08-74, 36-57-65.
факс: (3712) 33-29-09.

Душанба, торшанба
ва ғуна
кунлари тижора.
Навр кўрсаткичи
64690

Нашри етказиб бериш
масаллари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимига
ёки «Тошкент почтасига»
33-74-03 телефонига мурожаат
қилишиңиз мумкин.